



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2021 йил 30 декабрдаги 575-сонли хатингизга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32 сонли Фармонига асосан Ёзёвон тумани Юқори Соё бўйи МФЙ ҳудудида 2022 йилда “Янги Ўзбекистон” намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойларни ичимлик сув тизимларини қуриш ишларини лойиҳалаш ишлари “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ томонидан ичимлик сув тизимларини бажарилишини инобатга олиб, оқава сув тизимлари билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Оқава сув бўйича:

Ёзёвон тумани Юқори Соё бўйи МФЙ ҳудудида 2022 йилда “Янги Ўзбекистон” намунавий лойиҳалар асосида қурилиши режалаштирилган уй-жойларни марказлашган оқава сув тизимига **уланиш нуктаси: Марказий Фарғона МФЙ** ҳудудида 1 дона оқава сув тозалаш иншооти (очистной) қуриш, 10,0 км Д-500 мм ли оқава сув коллектори қуриш ишларини ШНҚ, ҚМҚ, СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши таълаб этилади.

Оқава сув тармоқларини қуриш ва монтаж қилиш даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиҳа смета ҳужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда ушбу лойиҳа смета ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари **келишилмаган** ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ
Бош муҳандиси:



И.Абдуллаев